



# ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ

## арзон, қулай ва хавфсиз ҳаракатланиш воситасига айлана олдимиз?

### Тараққиёт мезонлари

Ўтган йил юртимиз ҳаётида қизғин давр бўлди. Одамларга қулайлик яратиш, турмуш шароитини яхшилашга қаратилган ишлар ҳар бир юртдошимиз ҳаётида акс этяпти. Айниқса, ортида қолган йил давомида бу тизим чин маънода ислоҳ этилиб, янгича, замонавий ва рақамлашган кўринишга келди. Нафақат пойтахтимиз, балки вилоятларда ҳам янги автобус йўналишлари ҳаракати йўлга қўйилиб, хизмат сифати анча яхшиланди. Юртдошларимизнинг тизимдаги хизматлардан фойдаланиш кўрсаткичи ҳам шунга мос тарзда ошди.



Албатта, шаҳар шароитида жамоат транспортидан фойдаланиш кўпчилик учун қулай. Ҳар куни ўқишга, ишга ёки бошқа юмуш билан бирор манзилга қатнайдиغان одамлар учун арзон, тезкор ва хавфсиз транспорт воситаси зарур. Бу вазифани эса бирор автоулов жамоат транспортчилик урғули олмайдми. Қолаверса, Тошкент шаҳрида энгил автомобиллар сони тобора ортиб,

йўлларда тирбандлик кўпайган, шахсий автомобилда ҳаракатланиш қийинлашиб борапти.

Чиндан ҳам бир вақтлар фақат киноларда кўрганимиз автомобиль йўлларидаги узундан-узун тирбандликлар бугун пойтахтимиз учун ҳам оддий ҳолга айланди. Айниқса, эрталаб ва кечкурунги тизим пайтларда бу тирбандликлар янада ортади.

Тўғри, бу аксарият ривожланган давлатларга хос. Тошкент шаҳри эса Марказий Осиёдаги энг йирик мегаполис. Аҳоли сони тез ўсаяпти, йилига ўртача 100 мингта ошмоқда. Маълумотларга кўра, бугунги кунда пойтахтимизда 5 миллион аҳоли бўлиб, шундан 3 миллион доимий истиқомат қилувчилардир. Шаҳримизга келиб-кетувчилар ҳам кўп. Одамларнинг аксарияти доимий ҳаракатланишда жамоат

транспортидан фойдаланишни афзал кўради. Мавжуд талабни қондириш зарурати эса кўпроқ автобус ва йўналишларга эҳтиёж туғдиради. Яъни жамоат транспортини ривожлантириш орқали аҳолининг уллардан фойдаланиш кўрсаткичини ошириб, тирбандликларни қисқартириш, экологик хавфсизликни таъминлаш каби вазифаларга эришиш мумкин.

► Давоми 3-бетда

### Дахлдорлик туйғуси

## ТАРИХИЙ УЧРАШУВ ШУКУҲИ

### Бу юртда кўкраги қалқонлар яшар!

Ҳаммамиз шукрона билан кузатган 2023 йилнинг 22 декабрь куни Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Бу учрашув тарихий бўлиши керак, деди Президентимиз мажлис аввалида. Худди шундай бўлди.

Учрашувда маънавият масаласини мутлақо янги босқичга кўтариш масаласи принципиал, қаттиқ қўйилди. Мамлакатда маънавий-маърифий ишлар мазмуни мутлақо янги тушунчалар билан бойиди. Масалан, янги Ўзбекистон ёшлари учун маънавий идеал — миллий образ, намуна берилди. “Маънавият сектори”, “Амир Темур боғлари”, “бу ёруғ дунёда “Ўзбек”, “Ўзбекистон” деган номлар билан яшаб қолиш”, “миллий ғояни ривожлантирувчи дастурий ҳужжат”, “уйғоқ қалбли зиёлилар”, каби тушунчалар ҳар бир ўзбекистонлик қалбда фахри юксалтирди, огоҳликни кучайтирди.

Айниқса, “Конституция ва қонунларимизга зид позициялар”, “Ғоявий-мафқуравий соҳада рақобатга тайёрми?”, “Ёш авлодимиз тарбияси мураккаб замон талабларига жавоб бераётими?” тарзида қўйилган саволлар бу борада қилиниши талаб этилаётган илмий-амалий ишлар мавзусини белгилаб берди.

Маъруза барча зиёлилар — маънавият ва маърифат ходимлари, мураббийлар, шоир-ёзувчилар, санъаткорлар, тарғиботчилар, маҳалла фаоллари, тьютторлар, маънавий-маърифий ишлар масъулларига ғоявий куч, қудрат берди.

Йиғилишда маънавият ишининг машаққати ҳам гўзал ифодасини топди. “Бир кишини инонтириш, ишонтириш — игна билан қудуқ қазишдек қийин” экани айтилди. Энди ҳар куни қулоғига “менга инон, менга ишон”, деб гап ўргатаётган ижтимоий тармоқлар тасвирида яшаётган 36 миллион кишини инонтириш, ишонтириш нимагини ўзингиз тасаввур қилиб кўринг. Бир нарса аниқ — иш 36 миллион қарра бўлади.

Энг муҳими, муаммони ечишнинг илмий, методологик вазифаси — инонтириш ва ишонтиришни бирга, уйғун олиб бориш тушунтирилди. Тарғибот-ташвиқотнинг мана шу икки фундаментал формуласи очиб берилди. Шу пайтгача инонтириш методи билан ишонтириш методларининг фарқ ва хусусиятлари масаласи бирор марта кўтарилмаган эди. Бу бизга янги илмий тадқиқотлар мавзусини белгилаб берди.

► Давоми 5-бетда

### Бугуннинг гапи

## “ҚУЁШЛИ ХОНАДОН” ишончли ва барқарор энергия манбаи



Бугунги кунда Ўзбекистонда нима учун энергетика тизимига катта эътибор қаратиляпти? Тармоқда илгари имкони йўқдек туюлган йирик лойиҳаларга қўл урилмоқда? Ушбу саволлар жавоби оддий — бу давр талаби, ҳозир замон шиддатли, шунга яраша эҳтиёжларимиз ҳам ортиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, янги ташаббус ва ғояларни амалга оширишга ундаяпти. Шу билан бирга, энергетика соҳасини режалаштириш ривожланиш ва барқарорликни таъминлаш йўлидаги миллий мақсадларимизга беvosита боғлиқ жараён. Экологик тоза, молиявий нуқтаи назардан амалга ошириш осон, хавфсиз ва ишончли энергия манбасига эга бўлиш ҳар қандай давлатнинг иқтисодийётига ижобий таъсир кўрсатади. Қолаверса, бундай сабъ-ҳаракатлар одамлар турмуш тарзи яхшиланишига олиб келади.

Кайд этиш жоизки, айни пайтда бутун дунёда барқарор ҳамда қайта тикланувчи энергияларнинг ўзига хос тушунчаси юзага келган. Барқарор энергия тугаб қолмайдиган ҳамда янгиланган ёки тўлдириш шарт бўлмайдиган ҳар қандай энергия манбасини ўз ичига олади.

Бундан ташқари, барқарор энергия аτροφ-муҳитга зарар етказмайди ёки зарар даражаси кам. Унинг эътиборли хусусиятларидан яна бири — энергияни олиш усулларини яратиш ва механизмларини қуриш харажатлар билан боғлиқ бўлса-да, манбалари, (шамол, қуёш, сув ва кабилар) одатда бепул бўлади. Бу турдаги энергия манбалари тугамаслиги ва

деярли ҳамма учун кенг тарқалганлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Бу борада Ўзбекистонда илғор халқаро тажрибалар қўлланган ҳолда, ўсиб бораётган эҳтиёжларни қондириш ва энергетика тармоғи янада ривожланишини таъминлаш мақсадида изчил ҳамда кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда. Юртимизда электр энергиясига бўлган талабнинг 84,7 фоизи иссиқлик электр станциялари, 14,3 фоизи гидроэлектр станциялари, 1 фоизи блокстанциялар ҳиссасига тўғри келади.

► Давоми 2-бетда

### Таҳлил ва таққос

## МЕГА ЛОЙИҲАЛАР ва КЕНГ КЎЛАМЛИ БУНЁДКОРЛИК йирик саноат корхонаси фаолиятида катта аҳамият касб этмоқда

“Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти — мис-молибден, полиметалл ва олтин таркибли маъданларни қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича Ўзбекистонда ягона ва Марказий Осиёда етакчи корхона ҳисобланади. Мис маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича дунёдаги 30 та йирик компания сафидан ҳам шу жамият мустақкам ўрин эгаллаган.



Комбинатда 35 мингдан зиёд ишчи-ҳодим ишлайди. Йилига 148 минг тоннадан ортиқ мис катоди, 90 минг тонна рух метали, шунингдек, олтин, кумуш, молибден, вольфрам, рений, селен, теллур, кадмий, палладий каби ноёб металллар ишлаб чиқарилади. 17 хил маҳсулот 20 га қичин хорижий давлатга экспорт қилинади. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотининг 7 фоизи, экспорт ҳажмининг 15 фоизи мазкур комбинат ҳиссасига тўғри келади.

Комбинатда бугунги кунда рўёбга чиқарилаётган истиқболли лойиҳалар қўлами ҳар қандай кишида хайрат ва гурур уйғотади. Шундан келиб чиқиб, комбинат мисолида мамлакатимизда 2023 йилда амалга оширилган ишлар, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган вазифалар ижроси бўйича қандай одимлар ташланаётгани ҳақида маълумот бериш ўринлидир.

► Давоми 4-бетда

### Дил изҳори

## ҲАЁТИМ МАЗМУНИ



2

► Давоми 2-бетда

### Янгича ёндашувлар

## СУВ ТЕЖАМКОРЛИГИ: АВВАЛ 900 ЛИТР САРФЛАНГАН, ЭНДИ 100 ЛИТРА ТУШДИ

Ҳозир жаҳон мамлакатларини бирдек ўйлантираётган, таъбир жоиз бўлса, жиддий ташвишга солаётган глобал муаммолардан бири сув танқислиги масаласи бўлиб турибди. Тўғри, мазкур муаммо ўтган асрларда ҳам инсониятни ўйлантирган, аммо бизнинг давримизга келиб, масала янада кескинлашди. Чунки сайёрамиз аҳолисининг ўсиш тезлиги ошиб борапти, демак, табиий ресурсларга бўлган эҳтиёж ҳам шунга яраша. Бир томонда иқлим ўзгаришларининг оқибатлари ва глобал иссиқ хавфи бор. Мавжуд сув захиралари эса йўқолиб, тақчиллик ортиб борапти. Нафақат ичимлик сув, балки умуман, сув захиралари кескин камайишда давом этаётгани инсоният олдига жиддий чоралар кўриш вазифасини қўймоқда.

► Давоми 2-бетда



Тараққиёт мезонлари

ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ

арзон, қулай ва хавфсиз ҳаракатланиш воситасига айлана олдими?



Ирода ТОШМАТОВА, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Бошланғичи 1-бетда

Шу мақсадда юртимизда жамоат транспортининг асосий қисми бўлган автобуслар ҳаракати ҳолатини яхшилаш бўйича зарур чора-тадбир ва дастурлар амалга оширилмоқда.

Жамоат транспорти кўплаб ривожланган давлатлардаги каби бизда ҳам одамлар кундалик ҳаётда фойдаланадиган асосий ҳаракатланиш воситасига айланиши лозим.

ТАХЛИЛЛАРГА КўРА, ҲОЗИР ПОЙТАХТДАГИ МУҚИМ АҲОЛИНИНГ КУНЛИК ҚАТНОВИ СОНИ ўртача 9 миллион бўлиб, шундан 6 миллиони ҳаракатланиш транспортида амалга оширилмоқда.

шаҳардаги экологик вазиятни яхшилаш мақсадида ер усти жамоат транспорти тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Ҳар йили хориждан автобуслар олиб келинапти. Масалан, 2022 йилда Тошкент шаҳри учун 200 донга ўрта сифимли ва 190 донга катта сифимли автобуслар ва илк бор 20 донга замонавий электробус харид қилинган эди.

Енгил автомобилга нисбатан 135 баробар самаралироқ

Чиндан, охириги бир неча йилда Тошкентнинг жамоат транспорти тизими сезиларли даражада яхшиланди.

вомида бир ҳолатда қотиб қолган, ислоҳ қилишга энг муҳтож соҳалардан бири эди. Болалигимдан то ўсмир давримгача жамоат транспорти йўналишида катта ўзгариш бўлгани, доимий кўринишдаги манзара янгиланганини эслолмайман.

— Қиш қаҳратони ёки ёз жазирамеда бекатда автобус кутиш азоб эди, — дейди фуқаро Шойим Болтаев. — Камига транспортдаги тирбандликни кўриб, навбатдагисини кутишга тўғри келарди.

Тахлилларга кўра, ҳозир пойтахтдаги муқим аҳолининг кунлик қатнови сони ўртача 9 миллион бўлиб, шундан 6 миллиони ҳаракатланиш транспортида амалга оширилмоқда.

Эътибор берилса, кўчаларда ҳаракатланаётган машиналарнинг кўпиди фақат 1 та одам кетаётган бўлади.



ниш сифимидан 2 баробар ошиб кетаяпти. Бу асосий кўчаларга 2 баробар кўп юклар ташияпти, дегани. Йўларда турнақатор тирбандликлар юзага келиши ҳам шу билан боғлиқ.

Автобуслар ҳам йўлда ҳаракатланади ва улар ҳам тирбандликларда қолиши мумкин. Бундай ҳолатда уларнинг қулайлигини таъминлаш, одамлар жамоат транспортда манзилга тезроқ етиб олади, дейиш қийин.



ана шу шахсий машинада кетаётганларни битта автобусга жамлайдиган бўлсақ, 50 та автомобилни ҳаракатдан чиқариш мумкин. Мутахассисларнинг айтишича, Тошкент шаҳрида битта енгил автотранспорт воситасида бир кунда ўртача 4,3 нафар йўловчи ташилса, битта автобусда бу кўрсаткич ўртача 580 йўловчини ташкил этмоқда.

— Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтган 760 минг автотранспорт мавжуд бўлиб, улар сони йилига 76 мингга кўпаймоқда, — дейди Транспорт вазирлиги хузуридаги лойиҳа офиси раҳбари Муроджон Обидов.

йўллар ташкил этила бошлади. Махсус йўлаклар кўчанинг ўнг томонида фақат автобуслар ҳаракати учун ташкил этилади, унда ҳаракатланадиган енгил автомобилларга эса жараима белгиланган.

2023 йил бошида Тошкент шаҳрида 186,6 километр автобус йўлакларни ташкил этиш белгиланган бўлса, Президентимизнинг тегишли қарори билан 2025 йилгача пойтахт кўчаларида жамоат транспортдаги тирбандликларнинг олдини олиш, аҳолининг қулай ҳаракатланишга бўлган эҳтиёжини қондириб, йўлга сарфланадиган вақт ва моддий ресурслар самарадорлигини ошириш учун ҳам сифатли, қулай, хавфсиз ва жозибадор жамоат транспорти тизимини жорий этиш лозим.

— Яшил транспорт йўлаги Шота Руставели кўчасида жорий этилади, — дейди Лойиҳани бошқариш гуруҳи раҳбари Нодир Худойбердиев. — Унинг концепт-дизайни, математик модели ва техник-иқтисодий асослари ишлаб чиқилган.

йўлак бўйлаб автотранспортнинг ўртача тезлиги 11 фоз ошши, атмосфера ҳавоси ифлосланиши 12,3 фоз қисқаришига эришилиши ҳисоблаб чиқилган.

Лойиҳани ишлаб чиқишда йўловчи ва аҳоли фикри ўрганилиб, ногиронлиги бўлган шахслар, қариялар, болалар ва аёлларнинг жамоат транспорти инфратузилмасига эҳтиёжи инобатга олинди.

Автобус ёки "Damas"?!

Юртимизнинг барча ҳудудда жамоат транспортга талаб юқори. Айниқса, чекка ҳудудлар, қишлоқларда аҳоли қатновини ташкил этишда автобуслар энг қулай транспорт воситаси ҳисобланади.

— 2020 йил 30 ноябрда давлатимиз раҳбари раислигида транспорт соҳасидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва тизимини ривожлантириш бўйича кенгайтирилган тарзда ўтказилган йиғилишда жамоат транспортининг янги йўналишлар тармоғини "қишлоқдан — туман марказига", "туман марказдан — вилоят марказларига" боғлаш тизимини ташкил этиш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

Шу асосда "Яшил шаҳар" транспорт йўлагини барпо этиш ҳам кўзда тутилган. Бу бўйича Транспорт вазирлиги ва БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида "Тошкент — Кам углеродли автотранспорт инвестициялар жалб этишни жадаллаштириш" (TAILEV) лойиҳаси тайёрланиб, тақдимо-ти ўтказилди.

Биргина Тошкент вилояти мисолида ҳам ушбу ишларнинг амалий натижасини кўриш мумкин. Тошкент туманида яшаганим бос,

2023 йил бошида шу ердаги Чимкент йўли кўчаси бўйлаб шаҳар йўналишидаги автобус қатновининг йўлга қўйилиши катта воқелик бўлганини айта олам.

— Айни пайтда Тошкент вилояти жамоат транспортда 74 та шаҳар йўналиши мавжуд бўлиб, шундан 17 таси автобус, 11 таси микроавтобус, 46 таси "Damas" транспорт воситаларидир.

Вилоятда автобуслар учун алоҳида йўлақлар ташкил этиш ҳам бошланган. Дастлабки ҳаракатлар ўтган йилнинг ноябрь ойида Ангрэн шаҳрида олиб борилди.

Вилоятда йўловчи ташвиш билан шуғулланувчи 50 дан ортиқ корхонада диспетчерлик хизматлари ташкил қилинган. Жорий йил вилоятнинг 7 та шаҳридаги шаҳар ичи автобус йўналишлари диспетчерлик хизматига уланади.

Бари рақамлашади

Худди шу вазифалар юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам фаол амалга оширилади. Бу 2023 йил 16 февралда "Жамоат транспорти тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарориди кўрсатилган.


Пойтахтимиз бу борада етакчилик қилиши шубҳасиз. Утган йилнинг ўзида шаҳар бўйлаб жамоат транспорти тизимини рақамлаштиришнинг янги тартиби ва усуллари жорий этилди.

ошириш кўпчилигимизга қулайлик яратаятгани рост.

— Электрон тизимларни қўлладан қўзланган асосий мақсад, аввало, шаффофликни таъминлашга қаратилган, — дейди Транспорт вазирлиги хузуридаги "Рақамли транспорт маркази" давлат муассасаси директори Шохруз Ҳожиёв.

Транспорт карталаридан фойдаланилган ҳолда бир соат ичда бир йўналишли йўловчи транспортдан бошқасига ўтиш сонидан келиб чиққан ҳолда, имтиёзли ва бепул тариф режалари ҳам мавжуд.

Пойтахтда 2023 йил 1 августдан бошлаб, 167 та йўналишдан иборат янги йўналишлар тармоғида тўлиқ брутто-шартнома тизими йўлга қўйилгани ҳам рақамлаштиришнинг бир қўрилиши.



ридан келиб чиққан ҳолда, ҳисоб-китоб қилишни назарда тутувчи ваколатли орган ва ташувчи ўртасида тузилган шартномани англайди.

— Айни пайтда Тошкент шаҳрида 167 та янги йўналишлар тармоғида кунига 1638 та автобус ҳаракат қилмоқда, — дейди "Тошшаҳартрансизмаг" АЖ раҳбари Анвар Ҳўраев.

— Илгари кунлик пул тушуми бўйича режамиз бор эди, — дейди ҳайдовчи Дилмухаммад Амиркулов. — Автобус бошқарётган одам рулни улаганидан бошлаб, то ишини тамомлашгача қадар ана шу белгиланган режани бажариш ҳақида йўларди. Бу ўз-ўзидан ишмишга ҳам ҳалақат берган пайлар кўп бўлган.

Жамоат транспорти йўналишида марказлашган диспетчерлик хизматини жорий қилиш бўйича ҳам иш олиб бориляпти. Бу борадаги хорижий ҳамкор эса Хитойнинг етакчи "Magnetic North" компаниясидир.





Йўл бўйи хаёлга турли савол келавради: чўпонлик юмушни ёки касб? Юмуш бўлса, нега авлоддан-авлодга ўтиб келаврадию сахро ҳавосини бир олган чўпон уни тарк эта олмайди? Касб бўлса, нега нафи улуг, эътирофи ҳаминқадар? Савол ортидан савол туғилади...



www.yuz.uz

f yuz.uznews

➤ yuz\_official

📷 yuz.uz\_news

▶ yuz

Муносабат

НОШИРЛАРГА ИМТИЁЗ МАЪРИФАТЛИ КЕЛАЖАККА ЙЎЛДИР

Ҳазрат Алишер Навоий “Бўлса керак фикр ила шоҳи замон”, дея бежиз таъкидламаган. Китоб ва китобхонликка, нашр жараёнига эътибор кучайгани сари юртимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеи ҳам юксалиб бормоқда.



Нодир СУВОНОВ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси “Адабиёт” нашриёти раҳбари, “Шухрат” медали соҳиби

Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида жамиятимизда китобхонлик маданиятини ошириш ташаббуси яна бир бор қўллаб-қувватланди. Ижодий бунёдлар, муаллиф ва таржимонларга қалам ҳақи кўпайтирилиши айtilди. Айниқса, нашриёт ва матбаа корхоналарининг молиявий имкониятларини кенгайтириш мақсадида 5 йилга солиқлардан озод қилиниши борасида сўз кетганида биз ноширларнинг бу эътибордан бошимиз кўкка етди.

Ижодий давраларда нашриётларга молиявий ёрдам ва солиқ имтиёзлари

ҳодимларга яхши ҳақ тўлаш, китоблар савиясини ошириш имкони кенгаёди. Дунёнинг 70 дан ортик давлатида соҳага имтиёзлар берилган. Чунки бу ижтимоий муҳим соҳа. Масалан, Буюк Британияда нашриётлар умуман солиқдан озод қилинган бўлса, Францияда 20 фоиз ўрнига 5,7 фоиз солиқ тўлашади. Шимолий Европа давлатларида солиқ имтиёзларидан ташқари давлат бюджети ҳисобидан ҳар бир чиққан китобдан 2000 нусха сотиб олиниб, кутубхоналарга тарқатилади.

Нашриётимиз томонидан ҳар йили 150 дан зиёд номдаги янги адабий-бадний китоблар нашр этилади. Ҳар йили ўндан ортик ёш ижодкорнинг биринчи китоби 5000 нусхада чоп этилаётгани адабиёт майдонига энди кириб келаётганлар учун жуда катта таянч бўлмоқда.

Яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида “Менинг биринчи китобим” лойиҳасининг навбатдаги тақдими бўлиб ўтди. Абдурахмон Қойилбоев, Мавлуда Бойчаева, Зикрилла Маматов, Аҳмад Обид ўғли, Дурдона Бобомуродова, Эркин Ҳожимухаммад, Фарангиз Авазметова билан суҳбатлашар эканман, уларнинг кўзларидан қувончини, келажакка бўлган ёруғ ишончи кўриб, илк ижодий намуналарини газеталарда чоп этилган бахтли дэларимини эсладим.

2023 йилдаги ёрқин нашрлар қаторида 100 жилди “Туркий адабиёт дурдоналари”, 30 жилдан иборат “Муштақиллик даври навойшунослиги”, “Қорақалпоқ адабиёти дурдоналари”, “Мард аскарга соғина” сингари адабий мажмуалар ҳам бор. Маънавий-маърифий воқелик бўлди.

Йиғилишда жадидлар ҳаёти, илмий-бадний меросини кенг тарғиб этиш хусусида ҳам сўз борди. Шу боис, келгуси йилда



масаласи кўп бора муҳокама ҳамда мунозаралар мавзуси бўлади. Ахир бугун ноширлик ҳам бизнес. Халқимиз қанча кўп китоб ўқиса, талаб ҳам шунча ошиб боради. Агар талаб қамайса, нашриётлар молиявий томондан оғир аҳволга тушиб қолиши аниқ. Натижада улар таржимон, муасархх, муҳаррир каби ҳодимларга тўланадиган ҳақдан, қоғоздан, умуман, мумкин бўлган ҳамма жойдан пул тежаб кун кечиради ва китоб савияси, сифатида муаммо кўпая бошлади. Аксар нашриётлар қарзга ботгани, ҳодимлари бир неча ойлаб маош олмаётгани боис, профессионал муҳаррир ва таржимонлар босқа жойга ишга ўтиб кетаётгани ҳақиқат эди. Масалан, битта китоб потенциал даромад келтириши учун қамиди 5000-10 000 нусхада сотилиши керак, лекин аксар китоблар тиражи 1000 тага ҳам бормаётгани. Энди солиқ имтиёзи боис,

нашриётимиз бу йўналишда кўплаб асарлар чоп этишни кўзламоқда.

2023 йилда “Маърифат улашиб” ва “Китоб каровни” акциялари доирасида Ёзувчилар уюшмаси томонидан бир миллиондан ошқ китоб ўқувчиларга бепул тақдим этилганини айтиш баробарида бу тадбирларнинг амалий натижаси аллақачон буй кўрсата бошлаганидан бир мисол келтирмоқчиман.

Яқинда нашриётимизга Сергели туманидаги 300-мактабда ўқийдиган ижодкор ўсмир Мирзо Улугбек ва Али Қушчиға бағишланган илмий-фантастик қиссасини кўтариб кириб келиди. У билан суҳбатлашар эканман, билдими, салоҳиятли, жуда катта мақсадлар сари дадил қадам ташлаётган арслонорак ёшлар кўпайиб бораётганидан хурсанд бўлдим.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АССОЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА Ўқиш учун МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



Сахро сайёҳи

Очерк

Доимидек поездга чипта тополмагач, қайдасан Бухоро, дея машинага ўтирдик. Йўл — фикрлаш имконияти.

Дунё кун сайин ўзгармоқда. Бир қарич ер талаш, мулк талаш, қон талаш. Аналар, оталар ўлмоқда, бегуноҳ гўдаклар ўлмоқда. Йўқ-йўқ, узар ўдирилмоқда. Одам авлодларининг бутунги фожиаси ҳам шунда. Бундай чоғда тинчликнинг ҳар они ганиматдек туйилаверди кишига.


ханлари узра қуёш кулчадек қизара бошлади. Қизикувчан ҳамроҳимиз талош палласига оз қолди, дейди. Суҳбатимизни қиздириб турган Бахриддин чўпоннинг кўра томонга ўқтин-ўқтин назар солиши кўпая боради. Билсак, сурувни сахрога ҳайдаш пайти яқинлашган.

Сурувни бошқариш сир-синаотиға қизикиб келмаганмизми, биз ҳам чўпонга эргашидик. Кузак оёқлаётган бўлишига қарамай, чўл — кунгай майдони. Кунгайда кун куйдирад, деб энгни ёпувчи кийим кийиб, бошга шляпани қўндириб олдик. Энди биргалашиб сурувни белгиланган манзилга бошлаб борсак бўлди.

Одамнинг ризқи бўлгани каби чорванинг ҳам ризқи бўлади. Бахриддин чўпоннинг сурувиги ризқ ўртачўлга сочилган. Алмашиб-алмашиб турли ўт ўсади. Яратган ёмгирини дариг тутмаса, бас.

Сурувни ҳайдаб келарканмиз, жасаддор серканинг бўйинига осилган кўнғироқ эътиборимизни тортди. Керакли жойига етиб келиб, чорвани ёйгандан кейин Бахриддиндан бу ҳақда сўраган бўламан. Унинг айтишича, бу кўнғироқлар тақилган серка эргаштирувчи вазифасини бажарар экан. Кўнғироқ ҳам тўғри келганига тақилмаслигини, фақат гавдаси нисбатан катталари таллаб олинишини билдик. Бу кўнғироқларнинг яна бир вазифаси эса — чўпон айнан сурувнинг овозидан чорвасини бошқа чўпоннинг чорвасидан ажратди.

Сурувни бириктириб, чўпон уйчага қараб йўл олдик. Саргузаштсиз сафар бўлмас деганларидек, сахро ҳам бизга



Хуллас, чўпон бизга илдииз оловига қайнаган танқа чойдан, биз эса унга ичимиздаги саволлардан қуйиб беришга келишидик. Унинг айтишича, чўпонлик бобомерос касб, у мазкур авлоднинг учинчи вакили. Мактабини битириб, шу ишга қизикқан Бахриддин бугун ҳаётини саҳросиз, сурувларсиз тасаввур қила олмайди. “Баъзи-баъзида ҳаммасини ташлаб, бутунлай бошқа иш билан шуғулланиш фикри туғилмайдими?”, дея уни саволга тутаман. “Бундай пайтлар кўп бўлади, лекин барибир бу саҳрони, қадрдон манзилларини ташлаб кетишга кўзим қиймайди”, дейди чўпон. “Фарзандларингиз-чи”, дейман, “уларнинг ўқшини, билим олишини қўллаб-қувватлайсизми?”. Бахриддин чўпон кўзлари порлаб, келажакда фарзандларини университет-



ўзини “кўрсатиб” қўйди. Машинамиз текис йўللarda юриб ўрганмаганим, чўл шамоли уйиб юборган кўмтепага тўрт оёғи ботдию қолди. Хайрият, ҳамроҳларимиз тоғни урса, талқон қиладиган йиғитлар. Юракнинг қувватини билалка улаб, урина-уринани машинани издан олдик.

Чўпон уйчага етганда бизни “оёқ тағи” жониворнинг гўштидан тайёрланган чўпонча шўрва кутиб турган экан. Турли ресторанларга борамиз, ранг-баранг таомлар еймиз, лекин чўпоннинг чайласида пишган бу таомни бир умр унутмасак керак. Сабаби, бу таом ҳамма масаллиқни қозонга бостириб, бир-бирдан чиққан сув таъмига пишади. Ҳам осон, ҳам роҳатжон.

Таомдан сўнг ният қилиб келганимиз гулхан ёқиб, атрофида суҳбат куришни ташкиллаштирадиган бўлдик. Саҳронинг ўти ҳам, ўтини ҳам янтоқ. Бахриддин чўпон илдииз қалин-қалин янтоқларни олдимизга уйиб қўйди. Бир суҳбат билан бирга тугайдиган олов ёқдик. Чўпоннинг айтишича, “танқа чой”сиз гулхан атрофидаги суҳбатнинг маза-мазмуну бўлмас экан. Танқа чой дегани ўзимизнинг аънаваний офтобод қайнайдиغان чойлигини билдик. Унинг “чойдиш” деган шаклини ҳам эшитганмиз.


да ўқитишини, бу мақсад ҳар доим ўзи билан эканини таъкидлайди. Бироқ қизикқанидан чорвачиликни танласа ҳам, қаршилиги йўқ.

Тун борган сари салқинлашиб, ой ёғдуси лаҳза сайин тиникиб боради. Танамиз жунжиккани билан бу сарин ҳавога ҳам тўймайди киши. Жимжитлик қўйнида чой қайнаши гулханга ташланган янтоқнинг “часир-чусур”и эшитилади. Чўпон — то милтиллаб турган чироқларгача чўзилган беповен чўлнинг тунги қоровули. Ҳис этганга бу ҳам бахт, шундай эмасми?!

Чўпон деса, сурув деса, хаёлга биринчи бўри келгани учунми, Бахриддин чўпондан ўртачўлда бўри борми, деб сўрайман. Унинг айтишича, бу саҳроларда бўри йўқ, йиртқичлардан фақат тулки, чиябўри яшар экан. Ёзда эса олонлар кўпаяди.

Гап гапга уланади, суҳбат чўзилади. Орада 5-6 чойнакни бўшатдик. Бу чойнинг таъми олдида манаман деган турк чойлари ҳам ортда қолади, десам ишонинг. Оловнинг шиддати сўниб қолгач, уни қум билан кўмиб ўчириб, тунаш учун чайлага қайтдик. Ҳам йўл чарчоғи, ҳам чўл чарчоғи қўшилиб, ухлаб қолганимизни сезмабдик. Эрталаб уйғонсак, қуёш анча кўтарилиб қолган. Чўпонники қуш уйқу, деган гап тўғри

Жонибек АЛИЖОНОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



дийгина қурилган чўпон уйи. Бахриддин эски қадрдонларини кўргандек кучоқлашиб кўришади. Хаёлимга лип этиб ёшлигимда бобомдан эшитганим мақол келади: “Тоғу тошда бегона йўқ”.

Тўрт томони очик сахро ўртасида сурувни сиғдирган кўрау унинг ёнида олд-қорини кўриш, ҳақиқатини ёшиш.

Узоқ йўл босиб, ниҳоят манзилга етиб келганимиз Бахриддин чўпоннинг кўраси ёнида машинасини тўхтаган ҳайдовчимизнинг гапидан илғаймиз: “Мана етиб келдик!”.

Тўрт томони очик сахро ўртасида сурувни сиғдирган кўрау унинг ёнида олд-қорини кўриш, ҳақиқатини ёшиш.

Кузак тугаб, қиш нафаси дастурхон ёза бошлаган палла. Бир маромда шамол эсади. Пасту баланд кум бар-

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. **Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 32. 8848 нусхада босилди.

Навбатчи муҳаррир: Юнус Бўронов Мусаҳҳих: Шерзод Маҳмудов Дизайнер: Зафар Рўзиев **Манзил:** 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда. “Колограк” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар қўчаси, 1-А уй. Босмаҳона телефони: (78) 129-29-29